



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

2022 МАХСУС



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ

Туризмга бағишланган МАХСУС СОНИ

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда 0561-рақам билан рўйхатга олинган.
ЎзР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

Таҳририят ижодий жамоаси:
Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир ўринбосари:
профессор Д.Х.Асланова

Масъул котиб:
профессор М.Қ.Пардаев

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 маротаба чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида тарқатилади.

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар, Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:
М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:
Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:
Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор
М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.
Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудири, профессор, и.ф.д.
О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори, иқтисод фанлари доктори, профессор
М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ректори, и.ф.д.
Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.
И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.
М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.
К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.
Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профес.
Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.
Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.
Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.
Р.Қобилов– Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари
С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.
Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.
О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.
М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.
З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Зариф Орипович Ахроров, Бобур Бахтишодович Собиров Ўзбекистонда экстремал туризмни ривожлантириш истиқболлари	88
Азиза Пирмаматовна Махмудова,Абдуғани Мелиев Туризм бозорида экотуризмга бўлган талабни таъминлаш истиқболлари	93
Sanjarbek Komiljon o’g’li Boyjigitov Mamlakatimizda faol turizm turlarini rivojlantirishning nazariy va amaliy masalalari	96
Моҳигул Эркиновна Аҳтамова Самарқанд вилоятида экотуризм объектларини тизимлаштириш	100
Шавкат Собирович Олтаев Туризм соҳасини самарали ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	105
Zumrad Islamovna Usmanova, Dilnoza Baxodirovna Egamkulova, Davlatbek Baxodirovich Egamkulov O’zbekistonda etnografik turizmni rivojlantirishning o’ziga xos xususiyatlari	108
Акбаржан Сабиржанович Мадаханов, Мавжуда Кахаровна Ботирова, Шоирахон Тилаволдиевна Газиева Хонободда соғломлаштирувчи туризмни ривожлан-тиришнинг реал ва потенциал имкониятлари маса-ласига доир мулоҳазалар.	111
Sarvar Adxamovich Abduhamidov, Azizjon Shukrilloyevich Berdimurodov O‘zbekistonning mintaqaviy turistik marshrutlar ishlab chiqish imkoniyatlari va istiqbollari	116
Фируз Фахритдинович Зохидов Самарқанд вилоятида ички туризмнинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари хусусида	122
Азиза Юсуфбековна Талибова ўзбекистоннинг музейларида туризм экскурсия хизматларини ривожлантириш йўллари	126
Фарход Фуркатович Мухамаджанов Маданий мерос объектларини сақлашдаги муаммолар ва улардан туризм соҳасида фойдаланиш имкониятлари	131
Соҳибжон Шербой ўғли Тўрабеков Туризм соҳасидаги банд аҳоли сонини оширишда “MICE туризм”нинг аҳамияти ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари	135
Гулмира Раббоновна Турсунова Туризм соҳасида турпакетни ишлаб чиқиш тамойиллари	140
Мубин Хабибжонович Хамитов Меҳмонхона хўжалигида сервис сифатини баҳолаш ва мижозларнинг мамнунлик даражасига таъсир этувчи омилларни аниқлаш	147
Сарвар Адхамович Абдухамидов Ўзбекистон вилоятларини туристик минтақалар сифатида таҳлил қилиш ва баҳолаш	154
Рахматулла Ҳайитбоев, Фарход Бекназаров Зиёрат туризми: Султон Увайс ота Қараний зиёратгоҳи	160
ИНВЕСТИЦИЯ	
Дилноза Азаматовна Нематова Туризмнинг ЯИМдаги улушини ошириш ҳамда ички туризм соҳасига инвестицияларни жалб қилиш	164
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Дилшода Сафарова Туризм соҳасида тадбиркорликни ташкил этиш ва уни ривожлантириш имкониятлари	168

Азиза Юсуфбековна Талибова - СамИСИ, «Туризм» кафедраси катта ўқитувчиси

ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУЗЕЙЛАРИДА ТУРИЗМ ЭКСКУРСИЯ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: мақолада Ўзбекистон туризмини ривожлантиришда музейлар экскурсия хизматларини ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг долзарблиги келтирилган. Самарқанд шаҳаридаги йирик музейлардан туризмда фойдаланиш йўллари бўйича тавсиялар таклиф қилинган.

Калит сўзлар: музей, мозий, обида, минтақа, экскурсия хизматлари, тарихий мерос, миллий мерос, урф-одат.

Кириш. Мутахассисликларнинг фикрича, туристларнинг асосий мақсади – дунёни билиш, дунё халқлари тарихи, маданий обидалари билан танишиш, уларни ўрганиш ва алоқаларни янада мустаҳкамлашдир. Туризмдан мақсад эса, дунё маданиятини ўрганиш, ҳар хил минтақаларда яратилган инсоний қадриятлар, меъморий ёдгорликлар билан танишиш, улардан завқланиш, инсон яратган мужизавий асарлардан илҳомланиш, турли халқлар маданиятини қиёсий ўрганиш, муқаддас диний зиёратгоҳларни кўриш, улардан руҳланиш, ибодатни амалга ошириш, инсоний бурчни амалга ошириш, ҳамда шулар орқали инсонлар орасидаги маданий–маърифий алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашдан иборат.

Ўзбекистоннинг географик ўрни ниҳоятда қулай, ажойиб табиий иқлим шароитларига эга эканлигидан ташқари, у инсоният маданий тараққиётида ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Яна бир муҳим жиҳатларни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда тарихий ва маданий туризмни ривожлантиришда эътиборга олиш лозим бўлган яна бир томони туристик ресурслардан келгуси авлодлар ҳам манфаатдор бўлиши учун уларни сақлаб қолиш масаласи долзарб бўлиб қолмоқда. *Бу долзарбликни ечиш учун аҳолининг барча қатламлари учун туризм-экскурсия хизматларини ташкил қилишимиз ва ривожлантиришимиз лозим*[5.6.7.8.9.].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Дунё ҳамда мамлакатимиз музейларида туризм ва экскурсия хизматларини ривожлантириш йўллари ва уларнинг таҳлили қуйидаги хорижий ва маҳаллий олимларнинг ишларида тадқиқ қилинган. Б.Б. Пономарёв, С.И.Сотникова, И.Б.Хмельницкая, М.Е.Каулен**,** Н.И.Решетников, И.С.Тухлиев, М.К.Пардаев ва бошқаларнинг тадқиқотларида кенг ёритилган.

Мавзунинг долзарблиги. Маданиятимиз бойликларидан туризмда фойдаланиш ҳам бу бойликларимизни дунё миқёсида кўрсатиш билан бирга ушбу меросни авайлаш, таъмирлаш, муҳофаза қилиш, ушбу меросдан туризмда фойдаланишнинг илмий–амалий томонларини тадқиқ қилиш ҳозирги ҳаётимизда долзарб масалалардан ҳисобланмоқда. Бу долзарб масалаларни ҳал қилиш учун Президентимиз дастлаб – ҳудудларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида ички туризмни жадал ривожлантириш, фуқароларни мамлакатимизнинг маданий-тарихий мероси ҳамда табиий бойликлари билан таништириш мақсадида -*“Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилди*[1].

Бу қарор ички экскурсия хизматларини ташкил қилиш ва ривожланти ришга йўналтирилган эди, чунки қарорда«Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» ички туризмни ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режаси белгилаб берилганди.Шу сабабли, Ўзбекистон Республикасининг Президенти Шавкат Мирзиёев Республикада туризм бозорининг турли сегментларига йўналтирилган туризм маҳсулоти ва хизматларини диверсификация қилиш, уларнинг рақобатбардошлигини янада ошириш, мақбул ва қулай ички ва халқаро зиёрат туризми муҳитини яратиш, транспорт йўналишларини кенгайтириш, транспорт хизматлари сифатини ошириш, туризм

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг-“Ички туризмни жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори.Тошкент ш.,2018 йил 7 февраль,ПҚ-3514 сон.

маҳсулотларини кенг тарғиб қилиш, шунингдек, мамлакатимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз давлат сифатидаги имижини мустаҳкамлаш мақсадида-“*Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги* Фармонни қабул қилди[1].

Фармоннинг 4-бандида қуйидагилар:

- Ўзбекистон Республикасидаги йирик моддий маданий мерос объектларида ички туризм оқимларини шакллантириш Режаси;
- Ўзбекистон Республикасида туристлар оқимини шакллантириш ва улар учун зарур шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари Дастури;
- Хорижий мамлакатларда Ўзбекистон Республикасининг зиёрат туризми салоҳиятини манзилли тарғиб қилиш чора-тадбирлари Режаси-

тасдиқланди.

Қайд қилинган режалар ва дастурнинг бажарилиши асосан туризмда экскурсия хизматлари ва маршрутларини ривожлантириш мақсадларига қаратилган. Келтирилганлардан маълум бўладики, Ўзбекистоннинг миллий туризмини ривожлантиришда экскурсия хизматларини ташкил қилиш ва ривожлантириш давлат аҳамиятига молик бўлган долзарб масалалар қаторига киритилган. Президент фармонидаги қайд қилинган топшириқлар ҳам аҳолининг экскурсия хизматларидан унумли фойдаланиши шароитларини яратишдаги долзарб масалалар қаторига киради. Бу ерда туризмнинг ривожланишидаги биринчи омил-аҳолининг ҳаётида бўш вақт яратилаяпти. Аҳолида албатда бу вақтдан экскурсия хизматларидан фойдаланиши имкониятлари келиб чиқади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот иши давомида тузатиш, қиёслаш, тизимли ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш каби усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро туризм стастистикасидан маълумки, кўплаб халқаро туристлар биринчи навбатда тарихга, тарихий обидаларга қизиқадилар, иккинчи навбатда халқаларнинг миллий маданияти, миллий санъати, миллий урф-одатлари, миллий ўйинларига қизиқадилар. Шунингдек, улар бутунлай янгидан кашф этган янги халқлар, элатларнинг турмуш кечириш тарзига, маросимларига қизиқишади.Шунинг учун ҳам, миллий маданий меросимиз ва бошқа тарихий, табиий бойликларимизни кўрсатувчи музейларимиздан туризмда фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз халқаро туристларни кўплаб музейларимизга таклиф қилишимиз учун музейларимиз ва музейлардаги ресурсларимизнинг рекламасини, реклама ва таклиф қилинадиган турда тўлиқ тасвирлашимиз керак бўлади. Туризм шундай мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқеълик ва жараёнлардан иборатки, бу мураккаб ижтимоий-иқтисодий жараёнлар оддий эътибор ва тушунишлар, очиқчасига рақобатдан иборатдир.

Шаҳардаги хорижий туристлар тўхтайдиган меҳмонхоналарнинг маъмурияти билан суҳбатлашиш натижасида маълум бўлдики, Самарқанд шаҳридаги музейларга хорижий туристларни таклиф қилиш учун ушбу музейлардаги экспонатларни тушунтириб берадиган, ушбу музей фаолиятини тушунтириб берадиган гид-таржимон экскурсиячилар жуда кам. Шаҳарда ҳозир ишлаётган гид–таржимон экскурсиячилар асосан Самарқанд шаҳридаги тарихий обидаларга туристик экскурсиялар ташкил қилишга ихтисослашган бўлиб шаҳардаги музейларга туристик экскурсиялар ташкил қилишга журъат қилиша олмайди.

Музейларимизда туризмда фойдаланишнинг қониқарсизлигининг яна бир сабаби, ушбу музей раҳбарларининг меҳмонхоналар ва туристик фирмалар, туристик ташкилотларга ўз хизматларини таклиф қилмаганлиги ҳам катта муаммо ҳисобланади. Музейларимизнинг маъмуриятлари ўз музейлари ҳақида хорижий туристларга ҳозирги туризм талабларига жавоб берадиган реклама буклетларини таклиф қилишлари, ушбу

[1]Ўзбекистон Республикаси Президентининг«Ўзбекистон Республикаси да ички ва зиёрат туризмини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони,Тошкент шаҳри,2021 йил 9 февраль

туристик фирмалар, туристик ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик шартномаларини тузишлари Самарқанд шаҳридаги туризмни ривожлантиришда мақсадли йўналиш бўларди.

Самарқанд шаҳридаги музейлардан туризмда фойдаланишнинг қониқарсиз ҳолатда эканлигининг яна бир муҳим сабабларидан бири ушбу музейлар ҳақида телеведенияда, радиода ва оммавий ахборот воситаларида оммавий тарғибот ишларининг ҳам камлиги ҳисобланади. Оммавий ахборот воситаларида ушбу музейлар маъмуриятлари кўплаб чиқишлар қилишлари ёки журналистларни ушбу мавзуга жалб қилишлари ҳам лозим бўлади.

Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиб айниқса, Республикамиз нинг марказий газеталарида музейларимизнинг таърифи ва тавсифининг бериб борилиши ички туризмда ушбу музейларимиздан фойдаланишни кучайтириши аниқ ҳақиқат ҳисобланади. Чунки март ойларидан бошлаб аниқроғи, йил давомида Республикамизнинг барча вилоятларидан, қўшни давлатлардан туристлар, меҳмонлар доимий равишда Самарқанд шаҳримизга оқиб кела бошлайди. Шаҳар қиёфасининг ободонлашиб бораётганлиги янги кўчалар, янги бинолар қурилаётганлиги, кўчаларимиз номлари ўзгараётганлиги учун музейларимизнинг манзилларини кўпчилик аҳоли ҳам билишмайди.

Самарқанд шаҳридаги музейларнинг географияси ҳақида таърифлар берилганда даставвал шаҳримиздаги йирик музейларнинг рўйхатини келтириш лозим бўлади:

1. Марказий Осиё халқлари тарихий музейи;
2. Самарқанд давлат университетининг геология музейи;
3. “Афросиёб” археологик музейи;
4. Самарқанд ўлкашунослик музейи;
5. Самарқанд давлат университетининг Биология факультетидаги “Зоология” музейи;
6. Машҳур ёзувчи С.Айний уй музейи;
7. Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўллар экологияси илмий–тадқиқот институтининг қоракўл терилари музейи;
8. Мирзо Улуғбек музейи;
9. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг музейи
10. Самарқанд давлат университетининг “География” факультетидаги “Минерология” музейи;
11. Қадимий қоғоз намуналарини тиклаган “Самарқанд қоғоз” ишлаб чиқариш уйи.

Самарқанд шаҳридаги музейлардан бири Марказий Осиё халқларига таниш бўлган машҳур ёзувчи Садриддин Айнийнинг уй–музейидир. Қардош тожиқ ва ўзбек халқининг атоқли фарзанди С.Айний ҳаёти ўтган ушбу уйга собиқ Иттифоқнинг машҳур шоирлари ва ёзувчилари келиб кетишган. Шунингдек, бу музейда ёзувчининг машҳур асарлари, қулёзмалари ва у ишлатган асбоб–анжомлар, буюмлар сақланмоқда.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг музейида эса институтнинг ташкил қилинишидан то ҳозиргача бўлган муддатдаги тарих ёритилган. Шу билан бирга институтнинг ректорлари, олим, профессор– ўқитувчилари ҳақида кўплаб қизиқарли маълумотлар тўпланган Самарқанд шаҳридаги ўлкашунослик ва Самарқанд давлат университетининг “Биология” факультетидаги “Зоология” музейида нафақат Ватанимиз, балки Марказий Осиёдаги ҳайвонот оламининг ноёб турларининг асл нусхалари сақланмоқда.

Халқимизнинг қадим ўтмиши, тарихи, маданияти, яшаш тарзи, санъатини қадим ашёлар асосида, шунингдек, қадимги Самарқанд – Афросиёб шаҳри қолдиқлари, харобалари ҳақида, ҳайрон қоларли даражаларда ҳикоя қилувчи “Афросиёб” тарихий музейи ҳам юртимизда ҳам, дунёда ҳам машҳурдир. Самарқанд шаҳридаги яна бир ноёб музейлардан бири Самарқанд давлат университетининг “Геология” ва шу университетнинг “География” факультети даги “Минерология” музейларидир. Ушбу музейларда Ватанимизнинг геологик тарихини ёритувчи ва ноёб қазилма бойликларидан ҳикоя қилувчи намуналар сақланмоқда. “Самарқанд қоғоз” уйида Самарқандлик ҳунарманд

дунёга машҳур бўлган Самарқанд қоғозини ишлаб чиқариш технологиясини яратди ва ишлаб чиқармоқда.

Самарқандда жаҳонга машҳур бўлган ўзбек халқининг чорвачиликдаги улкан ютуқларидан ҳисобланадиган, шу билан бирга ўзбек чорвадор олимларининг қоракўлчиликдаги машҳур ютуқларидан ҳикоя қилувчи, Ўзбекистон қоракўлчилик ва чўллар экологияси илмий–тадқиқот институти нинг “Қоракўл терилари” музейи фаолият кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорини ижро этиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «2017-2020 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида» қарор қабул қилди[1]. Ҳукуматимизнинг деярли барча қарорларига туризмни ривожлантириш масалалари киритилганлиги миллий туризмда янги йўналишларни, туризмнинг янги турларини ташкил қилишни талаб қилади.

Туризмини ривожлантиришда музейлардан фойдаланишни қуйидаги 2 йўналишда ташкил қилиш ва ривожлантириш мақсадли бўлади деб ҳисоблаймиз:

1.Ички туризмида музейлардан фойдаланиш экскурсия маршрутларини ишлаб чиқиш.

2.Халқаро туризмида музейлардан фойдаланиш экскурсия маршрутлари ни ишлаб чиқиш.

Ички туризмда музейлар экскурсияларини ташкил қилиш ва ривожлантириш бизнингча қуйидагича бўлиши мақсадлидир:

1. Мактаб ўқувчилари учун музейлар экскурсиялари.
2. Мактаб ўқитувчилари учун музейлар экскурсиялари.
3. Алоҳида фан йўналишлари (тарих, география, биология, ботаника, адабиёт ва бошқалар) мутахассислари учун музейлар экскурсиялари.
4. Олимлар, тадқиқотчилар учун музейлар экскурсиялари.
5. Университет, институт ва коллеж талаблари учун ўрганилаётган фанлар бўйича музейлар экскурсиялари.
6. Катталар учун дам олишда-билим олиш музей экскурсиялари.
7. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» экскурсиялари.

2. *Халқаро туризмда* музейлардан фойдаланиш экскурсия маршрутлари ни ишлаб чиқиш анча муаммоли ва жиддий талабларни қўяди. Бу талабларнинг биринчиси шундан иборатки, халқаро туристларни таклиф қилувчи музейда халқаро аҳамиятга эга бўлган экспонат ёки экспонатлар бўлиши керак. Халқаро аҳамиятга, халқаро довруқга эга бўлган музейларимиз ҳам кўп.

Иккинчи талаб бўйича дунёга машҳур музейларнинг тажрибаларидан маълум бўлмоқдаки, билимли, зиёли халқаро туристлар албатда биринчи навбатда келган мамлакатнинг аҳолиси тараққиёти тарихи, миллий маданияти, урф-одатлари-яъни этнографияси билан қизиқишади. Қайд қилинган иккала талабнинг таҳлили натижалари шундан иборатки, ватанимиздаги барча музейларга халқаро туристларни ҳеч иккиланмасдан таклиф қилишимиз мумкин.

Қайд қилинганлардан хулоса келиб чиқадики, Самарқанд шаҳридаги музейлардан фойдаланишда туристик экскурсия хизматларини самарали ташкил қилиш ҳисобланади.

[1]Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони-«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси.

Хулоса ва таклифлар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Самарқанд шаҳридаги музейлардан туризмда фойдаланишда экскурсия хизматлари ташкил қилингандан кейин даставвал туристик экскурсия хизматлари ҳақида республика телевидениями, радиоси ва оммавий ахборот воситаларида ташкил қилинадиган туристик экскурсияларнинг таркиби ва шароитлари ҳақида рекламалар ва маълумотлар берилиб бориши керак.

2.Самарқанд шаҳридаги музейлардан туризмда фойдаланишда яна бир муҳим жиҳатлар шундан иборатки, ушбу музейлар фаолияти тўғрисида вилоятларда, туманларда учрашувлар ташкил қилиниши лозим.

3.Ватанимиздаги барча музейларнинг вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар кесимида тўлиқ тариф ва тавсифлари (манзили, тури, фаолияти, иш тартиби, яратилган шароитлар, экспонатлар ҳақидаги маълумотлар ва бошқ..) каталогини, интернет базасини яратишимиз керак. Бу маълумотлар бўйича музей экскурсияларини ташкил қилувчилар, туризмдаги тадбиркорлар, мактаблар, лицейлар, коллежлар, институт ва университетларнинг раҳбариятлари мамлакатимизнинг ҳар қандай музейларига қисқа вақтларда музей экскурсияларини ташкил қилиш имкониятларини беради.

4.Таълимнинг барча тизимларига музейларни кўрсатиш талаб қилинадиган фанларнинг дастурларига “Ўзбекистон халқлари тарихи”, “Музейлар-билим маскани”, “Музейлар тарихимиз”, “Ўзбекистоннинг ҳайвонот олами”, “Ўзбекистоннинг ўсимликлар дунёси”, “Ўзбекистоннинг машҳур фарзандлари”, “Ўзбекистоннинг машҳур адиблари” каби мавзулар киритиш.

5.Музейлардан туризмида фойдаланишда таълим тизимдаги ўқувчилар, талабалар ва аҳолининг ижтимоий қатламлари учун имтиёзларни ташкил килишнинг меъёрий асосларини яратиш.

6. Музейларимизнинг замонавий рекламаларини, маршрутларини ички ва халқаро туризм бозорига чиқариш

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пономарёв Б.Б. Несовершенный музей в несовершенном мире. М.: ИПК «Робин», 2002.
2. Сотникова С.И. Музеология: учебное пособие для вузов. М.: Дрофа, 2010
3. Хмельницкая И.Б. Повседневная история в музее // Научно- исследовательская работа в музее: тезисы докладов на VIII Всероссийской научно-практической конференции МГУКИ. М., 2006.
4. Каулен М.Е. Экспозиция и экспозиционер: конспект лекций. М., 2001.
5. Решетников Н.И. Музей и комплектование его собрания: учебное пособие. М.: МГУКИ, 2011; Изд. 2-е., дополн. М.: МГУКИ, 2012.
6. R. S. Amriddinova, R. Hayitboev, A. Y. Talibova, Opportunities for Organization and Development of Tourism in theDesert Regions of Uzbekistan. International Journal ofDevelopment and Public Policy,e-ISSN: 2792-3991 | www. Open accessjournals.eu | Volume: 1 Issue: 8.152-156 h.ISSN 2792-3991 (online), Published under Volume: 1 Issue: 8 in January 2022 Copyright (c) 2022 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative CommonsAttribution License (CC BY). To view a copy of this license, visit https:// creative ecommons.org/licenses/by/4.0/.
7. Тухлиев И.С., Амриддинова Р. С., Турсунова Г.Р., “Экскурсия хизматини ташкил қилиш”, Ўқув қўлланма, Тошкент, 2018.-221 б.
8. Тухлиев И.С.,Сафаров Б.,Турсунова Г., Туризм асослари, Дарслик, Тошкент, 2014.-332 б.
9. Ҳайитбоев Р. ва бошқ…Туризмнинг маршрутларини ишлаб чиқиш.Ўқув қўлланма, “Наврўз” МЧЖ нашриёти,Самарқанд, 2016.-175 б.
10. Ҳайитбоев Р. Экологик туризм, Ўқув қўлланма, Фан ва технологиялар нашриёт матбаа уйи, Тошкент, 2021.-375 б.